

Не-не гавҳарлар гўнг уюмида бўлади



08:00 / 10.08.2020 1423

Абдуллоҳ ибн Муборакнинг икки шогирди – Ҳассон ва Сувайддан ривоят қилинади: «Устозимиз Ибн Муборак Шомга бордилар. Биз ҳам у киши билан бирга эдик. Ҳар куни ибодат ва эзгу амаллар қилаётган қавмни кўрганларида бизга **«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз»**. Бекор ўтказган умримиз учун ҳолимизгавой! Биз жаннатнинг очиқ эшикларини бу ерда ташлаб кетган эканмиз», дер эдилар. У зот билан Мусайса кўчасидан бораётган эдик, бир маст одамнинг баланд овозда байтни ўқиётгани эшитилди:

Аллоҳга осий бўлдим, нафсу ҳаво мени хор қилди,

Ўзим истар ишни қилолмай, ахволим абгор бўлди.

Устоз ёнларидан дафтар чиқариб, бу байтни ёзиб қўйдилар. Биз: «Маст одамдан эшитган шеърни ёзяпсизми?» деб сўрадик. Абдуллоҳ ибн Муборак: «Не-не гавҳарлар гўнг уюмида бўлади деган сўзни эшитмаганмисан?» дедилар.

«Солихлар гулшани» китобидан